

ТАРИХИЙ АСАРЛАРДА ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ХАҚИДАГИ ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР

Сабирова Мавлуда

*Ажиниёз номидаги НДПИ, Педагогика кафедраси
катта ўқитувчиси*

*А. Менлибаева - Ажиниёз номидаги НукДПИ,
Педагогика кафедраси ассистент ўқитувчиси*

Бизга маълумки, Ўрта Осиёда оила, оилада бола тарбияси, болани комил инсон қилиб тарбиялашда авлодлар ўзаро тарбиявий таъсирини хисобга олиш масаласи ҳамма даврларда долзарб аҳамият касб этган. Ана шу масалалар энг қадимги даврлардан бугунги кунгача яратилаётган барча педагогик адабиётларда етакчи ўрин эгаллайди.

Ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ, оилада болаларни тарбиялашда ўзига хослик кўзга ташланади.

Зардуштийликда оилавий бурч ва фарзанд тарбияси алоҳида ўрин тутган. “Авесто” тадқиқотчиси Ҳ.Хомидов ўша даврдаги оилалар тўғрисида шундай деб ёзади: “Эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга тамға босишар ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур қилишарди. Баъзан бундай эркакни қопга солишиб калтаклашган. “Авесто”да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши ман этилган. Қавм ва уруғ қонини тоза, авлодни бенуқсон сақлаш учун шундай қилинган. Кўп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги қайд этилган, бир йўла икки-уч туқсан аёллар мукофот олишга сазовор, деб уқтирилади”.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да болаларни оила-да ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат тарбиясига ўргатиш масалаларига ало-ҳида эътибор қаратилган. Жумладан «Авесто»нинг катта қисми бўдган “Ясна”ларда инсон камолотини кўрсатувчи ахлоқ-одоб мезони учлик – ҳумата – эзгу ният, ҳукта – эзгу сўз ва ҳварша – эзгу амалда ифодасини топади. “Мен эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амалга шон-шавкат баҳш этаман. Мен яхшиликдан иборат Мазда қонунига шон-шавкат баҳш этаман” (“Ясна”, 14), дейилади.

Зардушт таълимотида ўн беш ёш балоғат ёши саналган. Ўсмир балоғат ёшига етганда Зардушт қонунлари, ахлоқий йўриқлари ўргатилган.

Зардуштийликнинг ахлоқий йўриқларига биноан инсоннинг ўз бурчини ҳис этишининг энг биринчи белгиси маънавий поклик хисобланган. Бунда айниқса, аёлларга, жумладан ҳомиладор аёлларга ғамхўрлик қилиш асосий инсоний бурч саналган.

Зардуштийлик дини дастлаб ўтроқ дәхқончилик манзилгоҳларида вужудга келган бўлиб, дәхқончилик билан шугулланувчи аҳоли учун энг зарур табиат неъмати сув ва ер бўлган. Чунки, дәхқончилик учун ер биринчи омил бўлган. Ўша давр одамлари ерсиз оч қолиши мумкинлигини англаб етганлар ва асраш, тоза сақлаш мақсадида уни қаттиқ муҳофаза қилишганлар. Бу эса ўз навбатида ерни муқаддаслаштирилишига олиб келган. Дәхқончилик учун иккинчи зарур омил бу сувдир. Дәхқончилик ҳеч қачон сувсиз бўлмаган. Шунинг учун сувни ифлос қилиш энг олий гуноҳлардан хисобланган. “Авесто”да келтирилишича, “тоғнинг бир жилғасини қуритган, сувнинг бир томчисини булғатган кимса тангри қаҳрига учраб, дўзахга киради” деб таъкидланади. Сувни ҳаётнинг энг олий неъмати сифатида қадрлаш натижасида кучли диний тизим шаклланган. Зардуштийлик таълимотига кўра, одам ўлгач, унинг жони танасида 3 кун бўлади, тўртинчи куни гўзал қиз қиёфасида танасидан чиқиб кетади. Сўнгра, марҳум жасадини тоғу-тошларга олиб чиқиб, гўштини қарға-қузғуларга едириб уни суякларини махсус ассоарий (суяқдон)ларга солиб дафн қилинган. Бу биринчидан ерни улуғлаш сифати бўлса, иккинчидан ҳавони ёмон ҳидлардан асраш сифатига тўғри келади.

Улар ўз болаларини, ёшларни табиатга нисбатан чуқур хурмат, эътиқод руҳида тарбиялаганлар.

Шарқда кенг тарқалган панднома тарзида ёзилган машҳур асарлардан бири Унсурул-маолий Кайковуснинг “Қобуснома”сиdir. Қобуснома фалса-фий-дидактик асар бўлиб, шахс шаклланишининг барча томонларини ўз ичига олади.

Олимнинг ахлоқий ўгитлари китобда ота-она ҳаққини билиш билан бошланади. Унда Кайковус “Қуръон” ва “Ҳадислар”даги талаблардан келиб чиққан ҳолда ўзининг нуқтаи назарини баён қиласи: “Ўз фарзандинг сенинг ҳақингда қандай бўлишини тиласанг, сен ҳам ота-онанг ҳақида шундай бўлғил, нединким сен ота-онанг ҳақида нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенинг ҳақингда шундоқ иш қилур, чунки одам мевага, ота-она дараҳтга ўхшайдир”.

Кайковус оиласда отанинг вазифаси ва бурчига алоҳида аҳамият беради: “Оталиқ шартин бажо келтургилки, фарпзандинг вужудга келғондагидек тириклик қилсин, яъни ҳар одамки, вужудга келур ва шу кундан эътиборан хулқи ва табиати унга ҳамроҳ бўлур, аммо у ожизлик ва бекувватликдин уни намоён қила олмағусидир”.

“Қобуснома”да ота-оналарнинг қатор вазифалари санаб ўтилади. Улар қуидагилардан иборат: 1) болага яхши от қўймоқ; 2) оқил ва меҳрибон эна-гага топшириш; 3) тўй-томуша қилиб, суннат тўй ўтказиш; 4) ўқиши-ёзишни ўргатиб, қасб-хунар ва илмли қилиш; 5) ҳарбийлар ахлидан бўлса, сипохий-ликни ўргатиш.

Кайковуснинг кундалик турмушдаги хулқ-одоб қоидаларига оид фикрлари асарнинг “Мажоз (ҳазил-мазах) қилмоқ, шатранж (шахмат), нард ўйна-мөк зикрида”, “Чавгон ўйнамоқ зикрида”, “Ҳаммомга бориш зикрида”, “Ух-ламоқ ва осуда бўлмоқ зикрида” “Тамкин шарофатининг ва таом тартиби-нинг баёни”, “Ишқ ва унинг одатлари зикри” бобларида баён этилган бўлиб, ҳозирги пайтда ҳам оила тарбиясини йўлга қўйишида ўз аҳамиятин ўйқотма-ган.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган асарлардаги тарбия хақидаги фикрлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ҳозирги вақт учун ҳам оила ва фарзандлар тарбияси учун кўп қимматли сабоқлар бера олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳ..Ҳомидов “Шоҳнома”нинг шухрати – Т.: Ўзбекистон, 1991. – Б. 93-94
2. “Авесто” ва унинг инсон тараққиётидаги ўрни – Т.: Фан, 2001. – Б.19.
3. Асқаров А. Ўзбекистон тарихи – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б.64.
4. Кайковус Қобуснома. – Т.: Ўқитувчи, 1986, 30-6,80-85бет.